

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК  
РИВОЖЛАНИШ ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ**

**ЯНГИБОЕВ ДИЛШОД ҒУЛОМОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЛАЛМИ ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автороферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Янгибоев Дилшод Гуломович**

Қишлоқ хўжалигида лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлигини  
ошириш йўллари..... 5

**Янгибоев Дилшод Гуломович**

Пути повышения эффективности использования богарных земель в  
сельском хозяйстве..... 25

**Yangiboev Dilshod Gulomovich**

Ways to increase the efficiency of the use of rain-fed lands in agriculture..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК  
РИВОЖЛАНИШ ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ**

**ЯНГИБОЕВ ДИЛШОД ҒУЛОМОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЛАЛМИ ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt.673-рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аскарров Назимжон Ниёзович,**  
иктисодиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Султанов Баходир Файзуллаевич,**  
иктисодиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Менгликулов Бахтиёр Юсупович,**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети хузуридаги фан доктори илмий даражалар берувчи DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000. Тошкент шаҳар, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, факс (99871) 237-38-79. E-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000. Тошкент шаҳар, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Қ.ЧАРИЕВ,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**И.ЮНУСОВ,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа  
доктори, доцент

**Н.ХУШМАТОВ,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида ресурсларнинг чекланганлик шароитида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи устувор ҳисобланади. Зеро, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, “2050 йилга бориб, дунёда аҳоли сони 9 миллиарддан ошиши”<sup>1</sup> эвазига аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий муаммолар юзага келиш хавфи борлиги таъкидланмоқда. Ушбу жараёнда стратегик масала – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий восита саналган мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланиш талаб этилади. Қайд этиш жоизки, бугунги кунда дунё бўйича “... деҳқончиликда фойдаланиладиган ерлар 1,6 млрд. гектар майдонни ташкил этгани ҳолда, уларнинг 1,3 млрд. гектари, яъни 81 фоизи қурғоқчил ва лалмикор ерлар салмоғига тўғри келади. Шу билан бир қаторда жаҳонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 60 фоизи лалмикор деҳқончилик”<sup>2</sup> ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалигида лалмикор деҳқончиликни инновацион асосда ривожлантириш ҳамда лалми ерларда маҳсулот етиштириш самарадорлигини ошириш чораларини излаш соҳанинг муҳим масалаларидан саналади.

Сўнгги йилларда дунёда кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, жумладан лалми ер майдонларида маҳсулот етиштириш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва муассасалари томонидан лалмикор деҳқончиликни барқарор ривожлантиришга қаратилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, лалми ер майдонларида интенсив технологиялар ва ишланмаларни кенг жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, ўғитлардан самарали фойдаланиш, таназзулга учраш ва тупроқ унумдорлигини бошқариш, илмий асоланган алмашлаб экиш тизимини жорий этиш ҳамда бегона ўтлар, касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашиш каби илмий тадқиқот йўналишлари шулар жумласидандир.

Республикамизда ер ресурсларидан, хусусан суғориладиган ҳамда лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қатор ислохотлар олиб борилди. Ушбу ислохотлар ўз ижобий натижасини бераётганлиги билан бир қаторда, лалми ерлар салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаётганлигини эътироф этиш мумкин. Зеро, “... мавжуд 700 минг гектарга яқин лалми ернинг бор-йўғи 300 минг гектарига ғалла ва мойли экинлар экилмоқда”<sup>3</sup>. Шу боис, истиқболда “... суғориладиган ва лалми ерлар, тоғ ва тоғолди ҳамда чўл-яйлов ҳудудларининг тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилиши”<sup>4</sup> устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Шу нуқтаи назардан, лалми ерларни баҳо-

<sup>1</sup> <http://www.fao.org>.

<sup>2</sup> <http://www.fao.org>.

<sup>3</sup> Ш.Мирзиёев. “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир”. 2-жилд. //Т.: “Ўзбекистон”, – 2018 йил. 51-бет.

<sup>4</sup> Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармони.

лаш, ундан самарали фойдаланиш ва бошқариш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги 587-сон “Лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг суғориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, лалми ерларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, лалми ерларда экинларни жойлаштириш, ресурстежамкор технологияларни қўллаш, соҳани модернизациялаш ва инвестициялар жалб этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар Shahid B. Dar, Dheeraj Mishra, Zahida R. Afshana B., Bharat R. Sharma, KV Rao, KPR Vittal, Upali A. Amarasinghe, Piara Singh, Suhas P. Wani, Prabhakar Pathak, K.L.Sahrawat, A.K.Singh, J.S.Samra, Карипов Р.Х.<sup>5</sup> каби хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Мамлакатимизда эса қишлоқ хўжалиги ерлари самарадорлигини ошириш бўйича Н.Хушматов, Б.Султанов, А.Алтиев, Ў.Мухторов, Ф.Аминов, Ҳ.Абулқосимов, М.Турсунхўжаев, Д.Хусанов, Т.Фарманов, А.Тошқулов, А.Мухторов<sup>6</sup> каби иқтисодчи олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

---

<sup>5</sup> Shahid B. Dar, Dheeraj Mishra, Zahida R and Afshana B. Hydrogel: To Enhance Crop Productivity Per Unit Available Water Under Moisture Stress Agriculture. September 2017: 129-135.; Bharat R. Sharma, KV Rao, KPR Vittal and Upali A Amarasinghe. Realizing the Potential of Rainfed Agriculture in India. 1-19 page. Article: January 2006.; Piara Singh, Suhas P. Wani, Prabhakar Pathak, K.L. Sahrawat, and A.K. Singh. Increasing crop productivity and water use efficiency in rainfed agriculture. Chapter: September 2011.; J.S.Samra. Prioritization of Rainfed Areas in India. February 2012. 16-17 page.; Карипов Р. Х. Возделывание зернобобовых культур с применением берегающей технологии обработки темно-каштановой почвы. Вестник науки Казахского агротехнического университета им. С. Сейфуллина. – 2015. – №1 (84). – С.83-90.

<sup>6</sup> Хушматов Н., Садуллаев У. Тоғли, тоғолди ва лалми худудлар ҳамда дехкон хўжаликларида грек ёнғоғи етиштириш // Agro hidro. – №7. – 2019. – 18-19 б.; Султанов Б.Ф. Қишлоқ хўжалигида мелиоратив тадбирлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш: авт. .... дисс. и.ф.д. – Т.: 2022. – 17 б.; Алтиев А. Ердан фойдаланиш иқтисодиёти. Дарслик. Т.: – 2019.; Мухторов Ў. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш: авт. .... дисс. и.ф.д. – Т. 2021. – 11 б.; Аминов Ф.Б. Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг худудий хусусиятлари (Қашқадарё вилояти мисолида). дис. ... и.ф.н. – Т., 2004.; Абулқосимов Ҳ.П., Турсунхўжаев М.Л., Хусанов Д.Н. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш йўллари. Монография. Т – 2016.; Фарманов Т. Лалмикор ерлар самарадорлигини ошириш// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. // Ж. – Т – 2016., – № 2. 18 б.; Тошқулов А. Солиқ солиш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини иқтисодий рағбатлантириш механизмлари. дисс. ... и.ф.н. – Т.: 2004. Мухторов А., Юсупова Ф., Абдулхаева Г. Лалмикор ерларда ресурстежамкор технологияларни жорий этиш асосида махсар етиштириш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар (амалий-қўлланма). 2019. 14-15 б.

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг аксарияти қишлоқ хўжалигида ер ресурслари, хусусан суғориладиган ерлар самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, лалми ерлардан самарали фойдаланишнинг илмий-амалий асосларига қаратилган алоҳида тадқиқот ишлари амалга оширилмаган. Шу сабабли, Ўзбекистонда лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти диссертация мавзусининг танланишига асос бўлди.

**Тадқиқотнинг мақсади** қишлоқ хўжалигида лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари** қуйидагилардан иборат:

лалми ерлардан самарали фойдаланишнинг моҳияти, объектив зарурлиги ва ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан асослаш;

лалми ерлардан самарали фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уни аниқлашнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда лалми ерлардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш, соҳада ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш даражасига таҳлиллари асосида тавсиялар тайёрлаш ва хулосалар ишлаб чиқиш;

лалми ерлардан самарали фойдаланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини тадқиқ этиш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

лалми ерлардан фойдаланиш тизимини ташкилий асосларини такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

лалми ерларда бошоқли дон ишлаб чиқаришнинг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

**Диссертация мавзусини диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар танлаб олинган. Монографик тадқиқотлар Қашқадарё вилоятининг лалми ерларида маҳсулот етиштирувчи субъектларида амалга оширилган.

**Тадқиқот предметини** қишлоқ хўжалигида лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда индукция ва дедукция, статистик ва қиёсий таҳлил, прогнозлаш, монографик кузатиш, мантикий фикрлаш ва ижтимоий сўровнома каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

лалми ерларда деҳқончилик имкониятларини “қурғокчилик”, “ёғингарчилик” ва “маҳсулдор намлик” кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда индекс баҳолаш усули тавсия этилган;

қўшимча суғориш учун тик қудуқларни қазишни субсидиялаш асосида лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш таклифи асосланган;

лалми ерларда маҳсулот етиштирувчиларни ахборот билан таъминлаш, уларга хизмат кўрсатиш, ўзаро самарали ҳамкорлик усулларини кенг жорий этишга қўмаклашиш мақсадида “Лалми ер майдонлари аналитик сервис маркази”ни ташкил этиш таклиф этилган ҳамда уни молиялаштириш механизмлари асосланган;

лалми ерларда бошоқли дон етиштириш динамикаси, ҳосилдорлиги, ёғин миқдори ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда бошоқли дон етиштиришнинг 2027 йилгача бўлган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

лалми ерларда нам билан таъминланганлик даражасини ва табиий иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда экинларни жойлаштириш орқали лалми ерларда маҳсулот етиштириш самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

илғор хорижий давлатларнинг лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича аҳамиятга молик тажрибалари таҳлиллари асосида ундан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланиш йўналишлари белгилаб берилган;

лалми ерларда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги баҳолаш асосида Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароитларига мос, иқтисодий жиҳатдан мақбул технологиялардан фойдаланиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва хорижий иқтисодчи олимларнинг ер ресурсларидан самарали фойдаланишга доир тадқиқот ишларида қўлланилган илмий-услубий ёндашув ва усулларига таянилганлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан, монографик кузатув натижалари асосида олинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг илмий аҳамияти лалми ерлардан самарали фойдаланиш ва баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш жараёнларида бозор муносабатлари унсурларини жорий этиш ва самарадорлигини ошириш борасидаги назарий билимлар қўламини кенгайтириши билан изоҳланади.

Бундан ташқари, тадқиқотнинг амалий натижаларидан маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа органларнинг ҳудудларда лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларга хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятларини мувофиқлаштириш йўналишларида Давлат дастурлари, тегишли қарор лойиҳалари ишлаб чиқишда ҳамда тармоқ ОТМларидаги тегишли фан йўналишлари бўйича таълим жараёнларида кенг миқёсда фойдаланиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Қишлоқ хўжалигида лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

лалми ерларда қурғоқчилик, ёғингарчилик ва маҳсулдор намлик кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда лалми ерларнинг деҳқончилик имкониятларини индекс баҳолаш усули бўйича тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 19 июндаги 05/34-05/2979-сон маълумотномаси). Натижада, Қашқадарё вилоятида лалми ер майдонларига экинларни оптимал жойлаштириш эвазига ишлаб чиқариш рентабеллигини 25 фоизга ошириш имкониятининг яратилиши асосланган;

кўшимча суғориш учун тик кудуқларни қазилни субсидиялаш асосида лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 19 июндаги 05/34-05/2979-сон маълумотномаси). Натижада, иқтисод қилинган маблағларни ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишга йўналтириш орқали иқтисодий самарадорликни 15-20 фоизга ошириш имкониятларининг яратилиши асосланган;

лалми ерларда маҳсулот етиштирувчиларни ахборот билан таъминлаш, уларга хизмат кўрсатиш, ўзаро самарали ҳамкорлик усулларини кенг жорий этишга кўмаклашиш мақсадида “Лалми ер майдонлари аналитик сервис маркази”ни ташкил этиш ҳамда уни молиялаштириш механизмлари бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 19 июндаги 05/34-05/2979-сон маълумотномаси). Натижада, лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг замонавий хизматлар билан таъминланиши билан бирга-ликда маҳсулот етиштириш самарадорлигини ошириш захираларини яратиш имкониятлари асосланган;

лалми ерларда бошоқли дон етиштириш динамикаси, ҳосилдорлиги, ёғин миқдори ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда бошоқли дон етиштириш прогноз кўрсаткичлари бўйича тақдим этилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан лалми майдонларида бошоқли дон етиштириш самарадорлигини оширишга оид иқтисодий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 19 июндаги 05/34-05/2979-сон маълумотномаси). Натижада, 2027 йилга бориб, лалми ерларда дон етиштириш ҳажмини 173 фоизга ортиши прогноз қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та хорижий ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда жами 6 та илмий иш, шундан 5 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Илмий иш кириш ва учта та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 159 бетдан иборат бўлиб, 34 та жадвал, 17 та расм, 1 та чизмани ўз ичига олади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида лалми ерлардан самарали фойдаланишнинг моҳияти, объектив зарурлиги ва ўзига хос хусусиятлари, ундан самарали фойдаланишнинг аҳамияти назарий жиҳатдан ёритилган, лалми ерлардан самарали фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлари тизимлаштирилган. Шунингдек, хорижий давлатларнинг лалми ерлардан самарали фойдаланиш бўйича аҳамиятга молик тажрибаларини мамлакатимиз иқтисодиётига жорий этиш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ер ресурсларининг ўрни беқиёс бўлиб, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Лалми ерлар ер фондининг таркибий қисми саналиб, улардан самарали фойдаланиш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экологик мувозанатни яхшилаш ҳамда лалмикор минтақаларда кўплаб иш жойларини ташкил этиш ва бу минтақаларда яшайдиган аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш каби ижтимоий масалаларни ҳал қилиш имконияти яратилади.

Лалмикор ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш табиий ёғингарчилик ҳисобига амалга оширилиб, йиллик ёғингарчилик миқдори ва муддатлари мазкур ер майдонларидан фойдаланишда асосий таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Илмий адабиётларда “лалмикор ер” тушунчасига турлича фикр ва мулоҳазалар келтирилганлигини инобатга олиб, тадқиқот жараёнида уларни умумлаштирган ҳолда лалмикор ерлар табиий ёғингарчилик ҳамда унумдорлик даражасидан самарали фойдаланган ҳолда текислик, қир-адирлик, тоғ ва тоғолди минтақаларида сунъий суғоришларсиз қишлоқ хўжа-

лиги маҳсулоти етиштириш учун мўлжалланган ерлар, деган таърифни бериш мумкин.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигида лалми ер майдонларидан самарали фойдаланиш бир қатор иқтисодий-ижтимоий афзалликларни юзага чиқаради. Ушбу афзал жиҳатларни, бизнингча уч туркумга ажратган ҳолда, яъни иқтисодий, ижтимоий ва экологик аҳамиятли жиҳатларини назарда тутган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ (1-расм).



**1-расм. Лалми ерлардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик аҳамияти<sup>7</sup>**

<sup>7</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

Демак, лалмикор деҳқончиликнинг хусусиятлари суғориладиган деҳқончиликка нисбатан фарқ қилади. Лалмикор ерларда қишлоқ хўжалик экинлари сув танқислиги муаммосига кўпроқ дуч келади. Бинобарин, лалмикор ерларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик экинларининг сувга бўлган талабининг асосий қисми ўсимликнинг гуллаш-мевалаш фазасида жуда юқори бўлади. Маълумки, бу пайтда ёғингарчилик миқдори кескин камайиши оқибатида, тупроқдаги намлик миқдори ҳам камайишига олиб келади. Оқибатда эса, лалмикор деҳқончиликда ҳосилнинг сифатига ҳамда салмоғига салбий таъсир кўрсатади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлари натижасида фаслларнинг номутаносиб келиши оқибатида экинлар ва уларнинг вегетация жараёнлари, намлик ҳамда уларнинг самарали тақсимланишига бевосита боғлиқ бўлиб бормоқда. Бу нафақат бир йиллик ўсимликларда, балки боғдорчиликда ҳам ўзининг салбий таъсирини ёққол намоеън этмоқда. Жумладан, қиш мавсумида ҳавонинг илиқ келиши натижасида дарахтларнинг эрта уйғониши, баҳорда кузатилаётган ёғингарчиликлар таъсирида гуллаш ҳамда чангланишига салбий таъсири кузатилмоқда. Шу билан биргаликда лалми ҳудудларда экин даврининг кечикиши натижасида ўсимликларнинг гуллаш фазаси баҳорнинг энг иссиқ кунларига тўғри келиши ҳамда гуллаш-мевалаш фазасида тупроқда намликнинг камайиб кетиши бевосита ҳосилдорликка таъсир ўтказмоқда.

Шу боис, тадқиқотлар давомида лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда таъсир кўрсатувчи асосий омиллар, хусусан қурғоқчилик, ёғингарчилик ҳамда маҳсулдор намлик каби омилларни танлаб олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш имкониятларини баҳолаш муҳим масалалардан саналади. Илмий адабиётларда мазкур омилларни аниқлашнинг бир нечта методик усуллари таклиф этилган бўлиб, одатда интеграл кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади.

Жумладан, ҳарорат ва ёғингарчиликнинг ўзаро боғлиқлигига асосланган Педя қурғоқчилик индекси ( $P_i$ ) қурғоқчиликни ҳарорат ва ёғингарчилик аномалиялари асосида, уларнинг ўзгарувчанлиги ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда аниқлайди ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$P_i = dT / dT - dP / vP \quad (1)$$

Бунда: –  $dT$  ва  $dT$  ойлик аномал ҳарорат ва ёғингарчилик миқдори;  
–  $dP$  ва  $vP$  уларнинг стандарт оғишлари<sup>8</sup>.

Бунда  $1 < P_i < 2$  оралиғида бўлса, қурғоқчилик даражаси кучсиз,  $2 < P_i < 3$  оралиғида бўлса, нобудгарчилик юқори даражада,  $3 < P_i < 4$  оралиғида бўлса, қурғоқчилик даражаси кучли ҳамда  $4 < P_i$  бўлса экстримал даражада қурғоқчилик мавжуд, деб баҳолаш таклиф этилган.

Ёғингарчиликни индекс баҳолашда бир қатор методлар билан биргаликда умумқабул қилган усуллар ҳам мавжуд. Хусусан, улар орасида ёғингарчиликнинг стандарт индекси (SPI) орқали баҳолаш илмий адабиётларда

<sup>8</sup> Е.А. Черенкова. Количественные оценки атмосферных засух в федеральных округах европейской территории России. Известия РАН. серия географическая, 2013, № 6, с. 76–85

кўп учрайди. Амалий нуқтаи назардан, SPI параметри +3 дан -3 гача ўзгариши мумкин, деб тахмин қилинади. Ишлаб чиқувчилар, дастлабки ҳисоблаш алгоритмида, ёғингарчиликнинг эҳтимоллик параметрларини моделлаштириш учун гамма тақсимотининг кенг тарқалишини ҳисобга олган ҳолда ушбу функциядан қуйидаги тенглама билан тавсифланган тақсимот зичлиги билан фойдаланадилар.

$$SPI = f_x(x) = (\beta^\alpha x^{\alpha-1} e^{-\beta x}) / \Gamma(\alpha) \quad (2)$$

Бу ерда,  $x$  – ёғингарчилик миқдори,  $\beta, \alpha$  – шакл ва масштаб параметрлари,  $\Gamma(\alpha)$  – Эйлер гамма функцияси.

$$\Gamma(\alpha) = \int_0^\infty x^{\alpha-1} e^{-x} dx \quad (3)$$

Гамма функцияси  $x = 0$  да аниқланмаганлиги сабабли, ҳисоблаш даврида ёғингарчилик бўлмаса, у учун йиғма эҳтимоллик бундай даврларнинг эҳтимолини ва тақсимланиш зичлиги эҳтимоли интегралининг қийматини йиғиш орқали аниқланади<sup>9</sup>.

$3 < SPI$  бўлса экстримал ёғингарчилик,  $1 < SPI < 3$  бўлса намлик юқори ёғингарчилик,  $-0,6 < SPI < 0,6$  ўртачи ёғингарчилик,  $-2 < SPI < -0,6$  ўртача қурғоқчил,  $-3 < SPI < -2$  қурғоқчил, деб баҳоланади.

Сўнгги йилларда ойлар кесимида иқлим таъсирлари сезилиб бораётганлиги ҳамда кўрсаткичлар тизими соддалиги боис фойдаланишга қулайлигини инобатга олган ҳолда С.В.Торнтвейтанинг маҳсулдор намлик индексидан ( $I_m$ ) фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Унга кўра, самарали намликнинг мавсумий ўзгариши иккита индекс билан тавсифланади: нам иқлим шароитида қуруқ шароитларнинг оғирлигини аниқлаш ва ҳисоблаш учун ишлатиладиган қурғоқчилик индекси ( $I_a$ ) ва қуруқ иқлим шароитида намликнинг миқдорини аниқлаш учун намлик индекси ( $I_a$ ) қўлланилади ҳамда уларнинг ўртасидаги боғлиқлик ўрганилади. Ушбу индекслар тенгламалар билан ифодаланади<sup>10</sup>. Хусусан:

$$I_m = I_a - 0,6I_a = \frac{S}{P} - \frac{0,6D}{P} \quad (4)$$

Бунда,  $S$  – ортикча намлик (тупроқ жорий намлиги ҳамда ўсимлик талаб этадиган намлик орасидаги фарқ);

$D$  – намлик тақчиллиги (ўсимлик талаб этадиган намлик ҳамда тупроқ жорий намлиги ҳамда орасидаги фарқ);

$P$  – йиллик буғланиш миқдори.

С.В.Торнтвейтанинг маҳсулдор намлик индексида  $-0,6 < I_m < -0,4$  оралиғида бўлса жуда қуруқ,  $-0,4 < I_m < 0$  оралиғида қуруқ,  $0 < I_m < 0,2$  бўлса нам,  $0,2 < I_m$  бўлса ҳўл каби мезонлар асосида баҳолашни тавсия этган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари, жумладан, баҳорги ёғингарчилик, ёз мавсумидаги қурғоқчилик ҳамда намликнинг ўсимликлар вегетация даврига нисбатан номутоносиблиги

<sup>9</sup> В.Ф.Попович, Е.А.Дунаева. Использование стандартизированного индекса осадков для анализа режима работы водохранилищ. Вода и экология: проблемы и решения. 2018. № 3 (75)

<sup>10</sup> Шу манба.

шароитида ушбу кўрсаткичларни умумлаштириш, ўртача кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда илмий хулосаларни шакллантиришни тақазо этмоқда.

Бунинг учун эса, қурғоқчилик индекси (Pi), ёғингарчилик индекси (SPI) ҳамда маҳсулдор намлик индекс (Im) ларининг ўртача арифметик кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда лалми майдонларда деҳқончилик индексини (Id) ишлаб чиқиш мумкин.

$$Id = \frac{Pi+SPI+Im}{3} \quad (5)$$

Мазкур лалми майдонларда оптимал (мақбул) деҳқончилик индекси орқали экинларни жойлаштириш, экинлар таркибини режалаштириш, бизнес режалар, хўжаликларни қўллаб-қувватлаш механизмларини аниқ кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқиш, ҳудудларнинг агроиклим кўрсаткичларига баҳо бериш имкониятлари яратилади. Ушбу индексларнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган мезонларга кўра лалми ҳудудларни гуруҳларга ажратиш мумкин (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Лалми майдонларда деҳқончилик индексини (Id) кўрсаткичлари асосида гуруҳларга ажратилиши<sup>11</sup>**

| Мезонлар               | Id қийматлари<br>(баҳор мавсуми учун) | Id қийматлари<br>(куз-қиш мавсуми учун) |
|------------------------|---------------------------------------|---|
| Аномал (bad index)     | 2,1<Id                                | 1,4<Id                                  |
| Нормал (average index) | 2,1<Id<2,5                            | 1,4<Id<4,2                              |
| Оптимал (good index)   | 2,1< Id                               | 4,2<Id                                  |

Шунингдек, диссертация ишида лалми ерлардан самарали фойдаланиш бўйича хорижий давлатларнинг тажрибалари тадқиқ этилган бўлиб, қуйидаги аҳамиятга молик жиҳатларини республикамиз иқтисодиётига жорий этиш йўналишлари ишлаб чиқилган:

– лалмикор ерларида қўшимча суғоришни ташкил қилиш (Ҳиндистон тажрибаси). Бунда даставвал, ёғингарчилик билан таъминланмаган ҳамда аҳоли зич жойлашган ҳудудлар танлаб олиниши мақсадга мувофиқ;

– лалмикор ерларда ресурстежамкор технологиялар (гедрогел)дан фойдаланиш (Ҳиндистон тажрибаси). Гидрогелдан фойдаланишда эрозияни олдини олиш мақсадида қиялиги юқори бўлган ерларга қўллаш;

– лалмикор ерларда ўғитлардан самарали фойдаланиш (Покистон тажрибаси). Нам билан таъминланмаган ерларга фосфорли ўғитларни 100 фоиз шудгор остига, азотли ўғитларни асосий қисмини экиш билан бирга қўллаш;

– лалмикор ерлар учун қурғоқчиликка ва касалликка чидамли бўлган навларни яратиш ва жорий этиш (Покистон тажрибаси). Лалмикор ерларга қурғоқчиликка ва касалликка чидамли навларни экиш орқали сифатли ва мўл ҳосил етиштириш имкониятини яратади;

<sup>11</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

– лалмикор ерлар самарадорлигини оширишда минимал ва нол ишлов технологияларидан фойдаланиш (Қозоғистон тажрибаси). Ушбу технологияларни қўллашда нам билан ярим таъминланган ва таъминланган ерларга қўллаш мумкин.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда лалми ерлардан фойдаланиш ҳолати ва ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги” деб номланган иккинчи бобида Республика ва Қашқадарё вилоятларида лалми ерлардан фойдаланиш ҳолати ва самарадорлигига баҳо берилган, мавжуд муаммолар аниқланган ҳамда иқлим ўзгариши шароитида лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлил этилган.

Лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бевосита ёғингарчилик миқдорида, яъни ёғин миқдори ўсимликнинг ривожланиш фазалари бўйича сувга бўлган талабини қондирилишига боғлиқ. Аммо, кейинги йилларда иқлим ўзгариши оқибатида бошоқли дон экинларини етиштириш самарасиз эканлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан, бошоқли дон экинлари 2020 йилда 6 та вилоятда, жами 185,8 минг гектарга экилган бўлса, 2022 йилга келиб, атига 2 та вилоятда, 55,3 минг гектарга экилган (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**2020-2022-йилларда лалми ерларга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ҳолати таҳлили, минг гектар<sup>12</sup>**

| Вилоят-лар  | Йил-лар     | Жами экин экиладиган лалми майдон | Шу жумладан;         |                       |             |             |             |             |                           |                            |
|-------------|-------------|-----------------------------------|----------------------|-----------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|---------------------------|----------------------------|
|             |             |                                   | Бошоқли дон экинлари | Дуккакли экин (нўхат) | Мойли экин  | Полиз       | Боғзор      | Токзор      | Озуқа (ем-хашак экинлари) | Доривор ва зиравор экинлар |
| Жиззах      | 2020        | 128,1                             | 68,1                 | 26,1                  | 29,2        | 0,8         | 1,5         | 2,4         | -                         | -                          |
|             | 2022        | 218,8                             | -                    | 37,9                  | 19,2        | 6,2         | 8,4         | 14,9        | 131,1                     | 1,1                        |
| Қашқадарё   | 2020        | 67,0                              | 63,0                 | -                     | -           | 4,0         | -           | -           | -                         | -                          |
|             | 2022        | 62,1                              | 33,0                 | 4,3                   | -           | 16,5        | -           | -           | -                         | 8,3                        |
| Навоий      | 2020        | 2,8                               | 2,8                  | -                     | -           | -           | -           | -           | -                         | -                          |
|             | 2022        | 1,2                               | -                    | -                     | -           | -           | -           | 1,1         | -                         | 0,1                        |
| Самарқанд   | 2020        | 69,7                              | 44,6                 | 4,2                   | -           | 3,9         | 10,5        | 6,5         | -                         | -                          |
|             | 2022        | 49,2                              | 22,3                 | 4,7                   | -           | 3,9         | 2,4         | 14,0        | 1,7                       | 0,2                        |
| Сурхондарё  | 2020        | 4,3                               | 4,2                  | 0,08                  | -           | -           | -           | -           | -                         | -                          |
|             | 2022        | 13,0                              | -                    | 0,2                   | 3,6         | 0,3         | -           | 4,9         | 4,0                       | -                          |
| Тошкент     | 2020        | 3,9                               | 3,1                  | -                     | 0,8         | -           | -           | -           | -                         | -                          |
|             | 2022        | 33,0                              | -                    | 0,4                   | 1,4         | -           | 0,7         | 3,3         | 27,2                      | -                          |
| <b>Жами</b> | <b>2020</b> | <b>275,8</b>                      | <b>185,8</b>         | <b>30,4</b>           | <b>30,0</b> | <b>8,7</b>  | <b>12,0</b> | <b>8,9</b>  | <b>-</b>                  | <b>-</b>                   |
|             | <b>2022</b> | <b>377,3</b>                      | <b>55,3</b>          | <b>47,5</b>           | <b>24,2</b> | <b>26,9</b> | <b>11,5</b> | <b>38,2</b> | <b>164</b>                | <b>9,7</b>                 |

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Жумладан, бошоқли дон экинлари Қашқадарё вилоятида 2020 йилда 63 минг гектардан 2022 йилда 33 минг гектарга камайтирилган. Самарқанд вилоятида 2020-2022 йиллар оралиғида 44,6 минг гектардан 22,3 минг гектаргача камайганлигини кўришимиз мумкин. Республика бўйича полиз етиштириш майдони 2020 йилда 8,7 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 26,9 минг гектарга етгани, ёки 309 фоизга, тоқ экилган майдонлар эса мос йиллар оралиғида 8,9 минг гектардан 38,2 минг гектар (429,2 фоиз)га ошганлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2022 йилда 164 минг гектар лалми майдон бевосита озуқа (ем-хашак) экинлари етиштириш учун ажратилган. Энг катта лалми ерларда озуқа экин майдони Жиззах вилоятида мавжуд бўлиб, 131,1 минг гектари лалми майдондан фойдаланилмоқда. Шу билан биргаликда, 2022 йилдан бошлаб 9,7 минг гектар майдонга доривор ва зиравор маҳсулотлар етиштирила бошланган.

Маълумки, азалдан лалмикор майдонларда бошоқли дон экинлари асосий экинлардан бири ҳисобланиб келган. Таҳлиллар кўрсатишича, 2018-2022 йилларда лалми майдонларда экилган бошоқли экинларнинг ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосили охириги йилларда ошганлигини кўриш мумкин. Монографик тадқиқотлар олиб борилган Қашқадарё вилояти Китоб тумани “Тошмурод ўғли Мусурмон бобо” фермер хўжалигида лалми ерларда буғдой ва нўхат етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ўрганилди (3-жадвал).

Фермер хўжалиги лалми ерларига 20 га буғдой ва 20 га майдонга нўхат маҳсулотлари етиштирган. Маҳсулот етиштириш жараёнида 20 га буғдойда жами 51 000 минг сўм, 20 га нўхат етиштириш учун эса 47 000 минг сўм харажат қилинган. 1 га буғдой етиштириш таннари 2 550 минг сўмга, 1 га нўхат етиштиришда эса 2 350 000 минг сўмга тенг бўлган. Буғдойда ҳосилдорлиги гектаридан 10 центнерга, нўхатда эса 4 центнер маҳсулот етиштиришга эришилган. Агар таҳлил қилинган йилда 1 кг буғдойнинг сотиш нархи 3 минг сўм ва 1 кг нўхатнинг сотиш нархи эса 8 минг сўмни ташкил этиши назарда тутилса, 1 га буғдойдан ўртача 300 минг сўм, нўхатдан эса 3 200 минг сўм даромад олинган. Умуман олганда буғдойдан 450 минг сўм, нўхатдан эса 850 минг сўм соф фойдага эришилган. Рентабеллик даражаси буғдойда 17,6 фоизни, нўхатда 36,2 фоизни ташкил этган.

Лалми ер майдонларидан самарали фойдаланишга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, мавжуд ташкилий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш мақсадида монографик тадқиқотлар, ижтимоий сўровномалар бевосита Қашқадарё вилояти Китоб тумани “Навбахор” ҳудудидаги лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар ўртасида ўтказилди.

Ушбу ҳудудда жами 106 та фермер хўжалиги фаолият юритаётган бўлса, шундан 36 нафари лалми ерларда (33,9 фоизи) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланмоқда.

Респондентлар ўртасида *“Лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириши самарадорлигига тўсиқ бўлаётган асосий муаммолар нималардан иборат?”* деган саволга респондентларнинг 36 фоизи қурғоқчиликка чидамли экин навлари етишмаслиги, 28 фоизи айланма маблағлар етишмаслиги ҳамда 18

фоизи эса хизмат кўрсатувчи тузилмаларнинг етишмаслигини таъкидлашган (2-расм).

3-жадвал.

**Қашқадарё вилояти Китоб тумани “Тошмурод ўғли Мусурмон бобо” фермер хўжалиги лалми ерларида буғдой ва нўхат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари<sup>13</sup> (2022 йил)**

| №         | Харажат тури   | Ўлчов бирлиги | Экин тури         |                   |
|-----------|--|---------------|-------------------|-------------------|
|           |  |               | буғдой            | нўхат             |
| 1.        | Жами ер майдони  | га            | 20                | 20                |
|           | Шундан, лалми ер майдони   | га            | 20                | 20                |
| 2.        | Харажатлар   |               |                   |                   |
| 2.1.      | Шудгорлаш (ёқилғи билан бирга)   | сўм           | 7 200 000         | 7 200 000         |
| 2.2.      | Ерни текислаш (молалаш ва бороналаш (ёқилғи билан бирга)                     | сўм           | 3 600 000         | 3 600 000         |
| 2.3.      | Уруғ   | сўм           | 12 000 000        | 18 000 000        |
| 2.4.      | Экиш (ёқилғи билан бирга)  | сўм           | 2 800 000         | 5 600 000         |
| 2.5.      | Ўғитлаш (ёқилғи билан бирга)   | сўм           | 9 300 000         | -                 |
| 2.6.      | Касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларга қарши курашиши (ёқилғи билан бирга) | сўм           | 4 800 000         | 4 800 000         |
| 2.7.      | Суспензия (ёқилғи билан бирга)   | сўм           | 3 800 000         | 3 800 000         |
| 2.8.      | Ўрим-йиғим (ёқилғи билан бирга)  | сўм           | 10 000 000        | 4 000 000         |
| 2.9.      | Иш ҳақи  | сўм           | 8 280 000         | 10 000 000        |
| 2.10.     | Солиқ тўловлари  | сўм           | 10 000 000        | 10 000 000        |
| 2.11.     | Бошқа харажатлар   | сўм           | 7 500 000         | 7 500 000         |
|           | <b>Жами харажат</b>  | <b>сўм</b>    | <b>51 000 000</b> | <b>47 000 000</b> |
|           | 1 га харажати  | сўм           | 2 550 000         | 2 350 000         |
| 3.        | Ҳосилдорлик  | ц/га          | 10                | 4                 |
| 4.        | Ялли ҳосил   | тонна         | 20                | 8                 |
| 5.        | 1 кг сотиш нархи   | сўм           | 3 000             | 8 000             |
| 6.        | Ялли даромад   | сўм           | 60 000 000        | 64 000 000        |
| 7.        | 1 га дан олинган даромад   | сўм           | 3 000 000         | 3 200 000         |
| 8.        | 1 га дан олинган соф фойда   | сўм           | 450 000           | 850 000           |
| <b>9.</b> | <b>Рентабеллик</b>   | <b>% да</b>   | <b>17,6</b>       | <b>36,2</b>       |


Кейинги пайтларда иқлим ўзгариши натижасида лалми ерларда маҳсулот етиштириш самарадорлиги пасайиб кетаётганлигини кўрсатмоқда. Шу боис, қурғоқчиликка чидамли бўлган навларга талаб ошиб борамоқда. Маҳсулот етиштириш самарадорлигининг пастлиги фермер хўжаликларининг даромадига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг айланма маблағлари етишмаслигига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, хизмат кўрсатувчи тузилмаларнинг етишмаслиги ҳам маҳсулот етиштиришда ўз таъсирини кўрсатмоқда.

<sup>13</sup> Фермер хўжалиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.



**2-расм. Лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш самарадорлигига салбий таъсир қилувчи асосий муаммолар (Жами респондентларга нисбатан фоизда).<sup>14</sup>**

Сўровнома иштирокчилардан лалми ерларда етиштирилган маҳсулотларни сотишда юзага келаётган муаммолар ўрганилганда жами респондентларнинг 28 фоизи маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва ташиш бўйича хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар талабга жавоб бермаслигини, 26 фоизи маҳсулотларни сотиш нархи арзонлигини ва 23 фоизи эса кафолатланган бозорнинг мавжуд эмаслигини таъкидлашган (3-расм).



**3-расм. Хўжалигингиздаги лалми ерларда етиштирилган маҳсулотларни сотишда қандай муаммолар мавжуд? (Жами респондентларга нисбатан фоизда).<sup>15</sup>**

Маълумки йиллик лалми ерларда ёгингарчилик миқдорининг камайиб кетиши ва вегетация даврига мос тушмаслиги минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш имкониятини чеклаб қўймоқда. Бу эса лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий имкониятларига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

<sup>14</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланган.

<sup>15</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланган.

Диссертациянинг “Қишлоқ хўжалигида лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари” деб номланган учинчи бобида лалми ерлардан самарали фойдаланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари, унинг ташкилий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар асосланган. Шунингдек, лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштириш ҳажмининг истиқболли параметрлари ишлаб чиқилган.

Маълумки, лалми майдонларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари давлат томонидан ташкилий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётган бўлсада, глобал иқлим ўзгариши натижасида, сўнгги йилларда даврий равишда кузатилаётган сув танқислиги, лалми ерларда инфратузилма субъектларининг сифатли хизмат кўрсатишидаги ноқулайликлар, ҳудуднинг табиий рельефи, томчилатиб суғориш ва артизан қудуқлар қазिश, меҳнат унумдорлиги юқори бўлган янги техникалар сотиб олиш ва ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган харажатларнинг ошиб кетаётганлиги каби муаммолар вужудга келмоқда.

Жумладан, ресурстежамкор технологияларни амалиётга жалб қилиш учун ажратилаётган субсидияларнинг миқдор жиҳатдан етишмаслиги, олинмиш тартиби ва талаблари мураккаблиги ҳамда минтақавий хусусиятларни эътиборга олинмаганлиги кузатилмоқда. Бу борада лалми ер майдонларини сувга бўлган талабини таъминлаш учун тик қудуқларни қазिश муҳим масала ҳисобланилади.

